

Биринчиинстанцияда раислик  
қилган судья –Ж.Курбанов

Кассация инстанцияси судида  
маърузачи судья – С.Мамадалиева

## ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2019 йил апрель ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди кассация инстанцияси судлов хайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья А.Муминов, судлов хайъати судьялари А.Ғаппоров, С.Мамадалиевадан иборат таркибда, А.Пўлатовнинг котиблигида, Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурорлари Б.Ғуломов, О.Жураев, жабрланувчи А.Содиқов ва унинг вакили Б.Сайиббаев, судланган Т.Эшматов ва унинг ҳимоячиси С.Агаликовнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2018 йил 9 февралдаги ҳукмига кўра судланган

Эшматов Тошмат Ўроқович, 1972 йил 1 майда Учқўрғон туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг 2014 йил 23 июлдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан 19.221.000 сўм жарима жазосига судланиб, жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2015 йил 5 февралдаги ажримига кўра, 2014 йил 14 ноябрдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган, ишламайди, Учқўрғон тумани, Қумтўғон МФЙ, Янгиобод кўчаси, 7-уйда яшайди, 2016 йил 15 августда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

оид жиноят ишини жабрланувчи А.Содиқовнинг шикояти асосида кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2018 йил 9 февралдаги ҳукмига кўра, Т.Эшматов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,б,г” бандлари билан 45-моддаси қўлланиб, 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб 4 йил, 168-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг ўттиз фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан 45-моддаси қўлланиб 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб 4 йил, 223-моддаси билан 3 йил, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Т.Эшматовдан:

АТБ “Агробанк” Чортоқ филиалига 98.300.000 сўм моддий зарар;

А. Содиқовга 19.000 АҚШ долларига тенг 155.552.050 сўм моддий ва 1.000.000 сўм маънавий зарар ундирилиши;

дастлабки тергов органи томонидан хатланиб, 116.656.137 сўмга баҳоланган Учқўрғон шаҳар “Қумтўғон” МФЙ Янгиобод кўчасидаги 7-уй сотилиб, сотишдан тушган пул маблағи етказилган зарар ҳисобига АТБ “Агробанк” Чортоқ филиали ва жабрланувчи А.Содиқов ўртасида пропорционал равишда тақсимланиши белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Т.Эшматов АТБ “Агробанк” Наманган вилоят бош бошқармаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 2012 йил 8 май куни акаси М.Бойханов номидан АТБ “Агробанк” Мингбулоқ филиали билан уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ва сотиб олиш тўғрисидаги 370-сонли ипотека шартномасини тузиб, йиллик 14 фоиз устама тўлаш шarti билан 15 йил муддатга кўп миқдордаги 50.000.000 сўм кредит олиб, мақсадсиз ишлатиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда;

2014 йил 24 сентябрь ҳолатига акаси М.Бойханов номига олинган кредитдан 48.300.000 сўм қарздорлик мавжудлигини билгани ҳолда, кредит таъминоти учун гаровга қўйилган уйни тақиқдан чиқариш мақсадида АТБ “Агробанк” Мингбулоқ филиали ходимлари билан ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, олинган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни тўлиқ сўндирилганлиги ҳақида 01/917-сонли сохта маълумотнома тайёрлаб, Учқўрғон туман давлат нотариал идорасига тақдим этиб, мазкур уйни қонунга хилоф равишда тақиқдан чиқарганликда;

2013 йил 17 июлдан 2015 йил 3 июнга қадар АТБ “Агробанк” Чортоқ филиалида бош ҳисобчи лавозимида ишлаб келиб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, банк билан 2014 йил 6 август куни уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ва сотиб олиш мақсадида тузилган 217-сонли шартномага асосан, аслида ўзига тегишли бўлган, Учқўрғон тумани Учқўрғон шаҳри “Қумтўғон” МФЙ Янгиобод кўчасидаги 7-уйни акаси М.Бойханов дан сотиб олаётганини кўрсатиб, ушбу уйни гаровга қўйиб, йиллик 16 фоиз устама тўлаш шarti билан 10 йил муддатга кўп миқдордаги 80.000.000 сўм кредит олиб, уни мақсадсиз ишлатиб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда;

2015 йил 19 май ҳолатига 80.000.000 сўм қарздорлиги мавжудлигини била туриб, кредит таъминоти сифатида қўйилган уйни тақиқдан чиқариш мақсадида 2015 йил 19 май куни кредит ва унга ҳисобланган фоизлар тўлиқ сўндирилганлиги ҳақида 01001/536-сонли сохта маълумотнома тайёрлаб, банк бошқарувчиси Ғ.Азизов ва кредит бўлими бошлиғи И.Қодировлар имзосини қалбакилаштириб, Учқўрғон туман давлат нотариал идорасига тақдим этиб, мазкур уйни қонунга хилоф равишда тақиқдан чиқарганликда;

АТБ Чортоқ “Агробанк” Чортоқ филиалидан олинган 80.000.000 сўм кредит маблағи таъминоти сифатида гаровга қўйилган Учқўрғон шаҳри “Қумтўғон” МФЙ Янгиобод кўчасидаги 7-уйни кредит ва устамасидан 2015 йил 19 май ҳолатига 80.000.000 сўм қарздорлик мавжудлигини била

туриб, фирибгарлик йўли билан А.Содиқовнинг ишончига кириб, уни алдаб, ушбу уйни 2015 йил 27 июль куни А.Содиқовга 20.000 АҚШ долларига олди-сотди шартномаси асосида сотиб, 19.000 АҚШ доллари пулини фирибгарлик йўли билан талон-торож қилганликда;

2016 йил 17 март куни АТБ “Халқ банки” Учқўрғон филиали билан савдо-сотик фаолиятини амалга ошириш учун 23-сонли ўзаро кредит шартномаси тузиб, шартномага асосан, йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан 12 ой муддатга 22.000.000 сўм кредит маблағи олиб ушбу маблағ эвазига озиқ-овқат маҳсулотлари олиб, маҳсулотларни дастлабки терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб, 22.000.000 сўм кредит маблағини мақсадсиз сарфлаб, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда айбли деб топилган.

А.Содиқов шикоятда Учқўрғон шаҳри “Қумтўғон” маҳалла фуқаролар йиғини, Янгиобод кўчасидаги 7-уйни Т.Эшматовдан қонуний равишда олди – сотди шартномасига мувофиқ сотиб олгани, нотариус томонидан ушбу уйни сотиб олиш учун монелик қиладиган ҳолатлар аниқланмагани сабабли барча ҳужжатлар расмийлаштирилгани, ушбу уйни тақикда бўлганидан хабари бўлмагани, сохта ҳужжатлар бевосита банк ходимлари томонидан расмийлаштирилганини эътиборга олган ҳолда, уйни хатловдан чиқариб эгалигида қолдиришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья С.Мамадалиеванинг маърузасини, жабрланувчи А.Содиқов ва унинг вакили Б.Сайибаевнинг, судланган Т.Эшматов ва унинг ҳимоячиси С.Ағаликовнинг, прокурор О.Жураевнинг шикоятни қаноатлантириб, суд ҳукмини фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгартириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгартиришни лозим топди.

Т.Эшматовнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг дастлабки тергов ва суддаги айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи А.Содиқов, унинг вакили Г.Содиқова, фуқаровий даъвогарлар Х.Холиқов, Б.Абдувалиев, гувоҳлар А.Эргашев, И.Қодиров, О.Холбаеванинг суддаги кўрсатувлари ҳамда АТБ “Агробанк” Мингбулоқ филиали, АТБ “Агробанк” Чортоқ филиали, АТБ “Халқ банки” Учқўрғон филиалида тузилган кредит шартномаларига оид ҳужжатлар ва бошқа далиллар билан тўлиқ исботини топган.

Биринчи инстанция суди иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, Т.Эшматовнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “а,б,г” бандлари, 168-моддаси 1-қисми, 209-моддаси 2-қисми “а” банди, 223-моддаси билан тўғри квалификация қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги тушунтиришларга амал қилиб, жазони енгиллаштирувчи, оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, содир этилган жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жиноят натижасида етказилган зарар қопланмаганини эътиборга олиб, мансабдорлик

ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, асосли хулосага келган.

Бироқ, судлов ҳайъти, жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш масаласини ҳал қилишда биринчи инстанцияси суди хатога йўл қўйган деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Учқўрғон шаҳар “Қумтўғон” МФЙ Янгиобод кўчасидаги 7-уй Бойханов Раҳматилло ва Содиқов Аҳмаджон ўртасида нотариал равишда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига мувофиқ 2015 йил 27 июлда сотилган, шартномани расмийлаштириш учун Т.Эшматовнинг турмуш ўртоғи С.Бойхановнинг розилиги, ушбу уй Т.Эшматовга хусусий мулк сифатида тегишлилигини тасдиқловчи гувоҳнома ва бошқа ҳужжатлар асос бўлган.

Судлов ҳайъати ҳукми ижроси амалга оширилмаганлиги, уй-жой мажбурий ижро бюроси томонидан баҳоланиб, “E-AUKSION” дастурига киритилиб, сотувга қўйилгани, бироқ ҳозирги кунга қадарли сотилганини эътиборга олиб, Учқўрғон шаҳар “Қумтўғон” МФЙ Янгиобод кўчасидаги 7-уйни Содиқов Аҳмаджонни эгалигида қолдириб, уйни таққидан чиқаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал-кодексининг 490, 491, 496, 506, 506<sup>1</sup>, 509-моддаларига амал қилиб, кассация судлов ҳайъати

#### А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Эшматов Тошмат Ўроқовичга нисбатан жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг 2018 йил 9 февралда чиқарган ҳукмини фуқаровий даъвога оид қисми қуйидагича ўзгартирилсин.

Ҳукмнинг дастлабки тергов органи томонидан хатланиб, 116.656.137 сўмга баҳоланган Учқўрғон шаҳар “Қумтўғон” МФЙ Янгиобод кўчасидаги 7-уй сотилиб, сотишдан тушган пул етказилган зарар ҳисобига АТБ “Агробанк” Чортоқ филиали ва жабрланувчи А.Содиқов ўртасида пропорционал равишда тақсимланиш қисми бекор қилинсин.

Учқўрғон шаҳар “Қумтўғон” МФЙ Янгиобод кўчасидаги 7-уй жабрланувчи А.Содиқовнинг эгалигида қолдирилсин, ушбу уйга қўйилган таққидлар бекор қилинсин, А.Содиқовга етказилган зарар тўлиқ қопланган деб ҳисоблансин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

А.Содиқовнинг кассация шикояти қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи  
ҳайъат судьялари

имзо  
имзо  
имзо

А.Муминов  
А.Ғаппоров  
С.Мамадалиева

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”  
вилоят суди судьяси

С.Мамадалиева

